



2015 у.ғ. « 18 » и ю л ь № 158-Қ

Самарқанд ш., – г. Самарқанд

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил  
15 июлдаги 190-сонли “Электрон рақамли имзолар калитларини  
рўйхатдан ўтказиш марказлари фаолиятини янада тартибга солишга  
доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳақида**

Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказлари фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 июлдаги 190-сонли “Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказлари фаолиятини янада тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 июлдаги 190-сонли “Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказлари фаолиятини янада тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо сертификатини бериш электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказлари-Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан амалга оширилиши бўйича тартиб белгиланганлиги.;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банкларининг хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиладиган ахборот тизимларининг ахборот-технологик ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида 2016 йил 1 январгача электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда фойдаланувчиларни идентификациялашнинг бепул фойдаланиладиган ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда идентификациялаш тизими деб аталади) яратиши;

идентификациялаш тизимининг узлуксиз ва бетўхтов фаолият кўрсатишини, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

2016 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот марказининг электрон рақамли имзоси воситаларини ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ сертифицициялашни таъминлаш юклатилганлиги.;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига Давлат сўлиқ қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматларда электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланиш тартибини ва унга қўйиладиган талабларни белгилайдиган “Электрон Ҳукумат” тизимидан фойдаланувчиларни идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисидаги Низомни 2015 йил 1 ноябргача бўлган муддатда ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилганлиги.;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига электрон рақамли имзолар эгаларининг мурожаатлари бўйича электрон рақамли имзонинг амалдаги сертификатини, унинг амал қилиш муддатини сақлаб қолган ҳолда, “Электрон Ҳукумат” тизимидан фойдаланувчиларни идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисидаги Низомда назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлган янги сертификатга бепул алмаштиришни таъминлаш юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда вилоят тижорат банклари 2016 йил 1 мартгача бўлган муддатда:

хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган расмий веб-сайтлар ва порталларни идентификациялаш тизими билан интеграциялашни ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан берилган электрон рақамли имзолар билан мослигини таъминласинлар;

идентификациялаш тизимидан фойдаланиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан берилган электрон рақамли имзо ёрдамида электрон ҳужжатларни имзолаш йўли билан расмий веб-сайтларда ва порталларда жисмоний ва юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш, идентификациялаш ва авторизациялашни амалга оширсинлар.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Очилов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



З.Мирзаев